

**МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА
АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ –НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ**

**Научно-теоретические основы формирования нравственных качеств
учащихся на основе духовно-просветительской работы
Scientific-theoretical foundations of developing moral qualities in students on
the basis of spiritual and educational work**

Эргашов Умиджон Обиджонович Фарғона давлат техника университети
катта ўқитувчиси

Эргашов Умиджон Обиджонович, старший преподаватель, Ферганский
государственный технический университет

**Ergashov Umidjon Obidjonovich, senior lecturer, Fergana State
Technical University**

Аннотация: Мақолада ахлоқий қадриятларининг ҳозирги демократик
жамият қадриятлари билан уйғунлашиши республикамизнинг келажақда
янада равақ топиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: инсоний фазилат, очик кўнгиллилик, миллий ва диний
қадриятлар, миллат вакилларига ҳурмат, ватанга садоқат, бағрикенглик.

Аннотация: В статье дана информация о дальнейшем процветании нашей
республики в будущем, поскольку ее нравственные ценности гармонируют с
ценностями современного демократического общества.

Ключевые слова: Человеческая добродетель, открытый волонтаризм,
национальные и религиозные ценности, уважение к представителям своего
народа, верность родине, толерантность.

Abstract: The article provides information about the future development of our
republic if national and religious values are combined with the values of the current
democratic society.

Abstract: The article provides information about the further prosperity of our republic in the future, since its moral values are in harmony with the values of a modern democratic society.

Keywords: human virtue, open voluntarism, national and religious values, respect for representatives of one's people, loyalty to the Motherland, tolerance.

Ахлоқ – кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётидаги ўзаро, шунингдек, жамиятда бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндиси. Ахлоқ – лотинча “моралис” хулқ-атвор маъносини билдиради.

Ахлоқий қадрият - инсоний фазилат ва хислатлар уйғунлигини ўзида мужассамлаштирган, жамиятдаги ижтимоий тартиблар, ҳуқуқ, одоб нормаларини англаш, унга риоя қилиш ҳамда қадрлаш асосида такомиллашиб борадиган умуминсоний фазилатнинг ҳам фикрий, ҳам амалий меъёрлари мажмуи.

Ахлоқ функцияси - кишилар орасидаги турли муносабатларни мувофиқлаштириш. Кишилар фаолиятининг инсонпарвар қадриятлари ва мўлжалларини белгилаб бериш; -кишиларнинг бир-бирларига, оилага, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, одоблари мажмуи; -шахсни ижтимойлаштириш.

Қўйидагилар умумий ахлоқий сифатлардир:

-ўз ватанига садоқат; -ўз хулқнинг энг яхши анъаналарига амал қилиш ва уларни қўпайтириш; - шахс эркинлигини ва унинг қадри - қиммати дахлсизлигини тан олиш; - инсондаги яхши хислатлар тугамаслигига ишонч;

- кишилар шахсий ишбилармонлик сифатлари ва улар фаолиятини объектив баҳолаш, улар индивидуаллигини тан олиш; - муомалада очик кўнгиллилик ва ўзига танқидий ёндашиш; - табиатдан тежаб тергаб фойдаланиш.

Қўйидагилар муайян ахлоқий сифатлар ҳисобланади:

- фуқаровий виждон - шахсий жавобгарликни кучли хис этиш; - ахлоқий ирода - кишилар хурматини қозона билиш; - ҳалоллик; - ишга астойдил киришиш, ишда талабчанлик ва тўғри фикрлай билиш; - ўзини тута билиш; - шахсий кўнгилсизлик ва ишдаги муваффақиятсизликни енгил кечириш; - субутлилик; - ўз ахлоқий нуктаи назарида собит туриш; - жамоавийлик; - ижтимоий уюшганлик хиссиёти.

Қуйидагилар ўзига хос ахлоқий сифатлар хисобланади:

- меҳнатсеварлик - жисмоний қувватни ва ақлий қобилиятни тўлиқ, ўз ишига бахш этиш; - камтарлик – ҳокимиятдан оқилона фойдаланиш, ўз ютук ва камчиликларига танқидий муносабатда бўлиш; - масъуллик ишда “таваккал” қилишдан чўчимаслик, сўз билан иш бирлиги; - очик кўнгиллилик - кишиларга беғараз ёрдам кўрсатиш, улар камчиликларига тоқат қила билиш ва ранжитганларга кечиримли бўлиш.

Барча ахлоқий фазилатлар - адолат, дўстлик, муҳаббат, мардлик, мўтадиллик, саҳийлик, сулҳпарварлик, хушфەъллик ва ҳоказолар фақат инсон фаолиятида намоён бўлади. Ахлоқий фазилат - фаолият, хаттиҳаракат демакдир. Адолатли ишларни бунёд қилиш билан одам адолатли бўлиб боради, мардона ҳаракат билан мард бўлади. Одам жамиятда яшагани сабабли унинг ахлоқий фазилатлари ҳеч қачон соф, холис ҳолда намоён бўлмайди, балки фақат ижтимоий фаолиятдагина амалга ошади. Шунинг учун барча ахлоқий фазилатлар – ижтимоийдир.

Гап бу ерда юксак маънавиятли инсоннинг тарбияси ва маънавий-ахлоқий фазилатлари, хислат ва сифатлари ҳақида борар экан, “фазилат” ва “сифат” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятига, таркиби ва таснифига, ёшлар тарбиясидаги ўрнига ҳам эътиборни қаратишимиз зарур, деб ҳисобладик. “Фазилат” алоҳида шахс, эл, элат, халқ, улусга тааллуқли бўлган ижобий ахлоқий сифатлар мажмуи, “сифат алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи ахлоқий категориядир” .

Ҳар қандай маънавий етуклик ҳар бир инсонда ўзига хос ахлоқий фазилатлар ва сифатлар уйғунлиги асосида намоён бўлади ва уни бошқалардан тамомила ажратиб туради. Б.Зиёмуҳаммадовнинг таъкидлашича, бу кўрсаткичлар Ўзбекистон аҳолисининг барчаси учун умумий мақсад кўрсаткичлари ҳисобланса, фуқоролик ва демократик давлат аъзолари яна куйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлишлари зарур: ақллилик, одоблилик, меҳнатсеварлик, билимлилик, соғломлик, миллий ғурурга эғалик, ватанпарварлик, байналминаллик, инсонпарварлик, жасурлик, шиддатлилик, сабр-қаноатлилик, саховатлилик.

Инсоният тараққиётида ахлоқ муҳим ўрин тутди. Шарқнинг буюк мутафаккирлари инсонни ахлоқий камол топтириш, уни ҳар томонлама ривожлантириш, маънавий қиёфасини шакллантириш жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири, деб қарашган. Инсон ахлоқий, умуман маънавий ва маърифий жиҳатдан камол топиши жараёнида турли тарихий босқичлардан – жоҳиллик, нодонликдан илмга, ёвузликдан эзгуликка, ваҳшийликдан инсонийликка ўтаркан, жамият ҳам шу тариқа ривожланади.

Шахсда ахлоқий сифатлар тарбиянинг асоси ахлоқ ва ахлоқий меъёрлар асосида шаклланиб боради. Ахлоқий меъёрлар тўғрисидаги билимлар ўқувчилар онгига таълим ва тарбия жараёнида сингдирилиб борилади. Ахлоқий тарбиянинг натижаси ўқувчиларда ахлоқий онг, ахлоқий фаолият кўникмалари ва ахлоқий сифатларнинг шаклланишида кўринади.

Ахлоқий тарбия-характернинг ахлоқий сифатлари, кўникмалари ва хулқ-атворнинг шаклланиш жараёни. Ахлоқий тарбия мулоҳаза, ҳиссиётлар ва этиқодлар, жамиятнинг тегишли меъёрларига мос келадиган кўникмалар ва хулқ-атворнинг ахлоқий тушунчаларини шакллантириш каби вазифаларни ҳал қилади. Ахлоқий тарбиянинг асосига жамиятнинг ривожланиш жараёнида инсоният томонидан ишлаб чиқилган умуминсоний қадриятлар, ўткинчи бўлмаган меъёрлар қатори жамият тараққиётининг замонавий босқичида пайдо бўлган янги қоидалар ва меъёрлар ётади. Ўткинчи бўлмаган ахлоқий

сифатлар халоллик, адолат, бурч, тартиблилик, масъуллилик, ор-номус, виждон, кадр-қиммат, инсонпарварлик, бегаразлилик, меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат каби жуда қўплаб фазилатларни ўзида камраб олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шарқ фалсафаси кадриятлари ва уларнинг Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрни. Т.:ТДШИ, 2009.-Б.129.
2. Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. – Т.: Турон-Иқбол, 2006. – 351 б.
3. Гайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Маматкулова Р. Педагогика (ўқув қўлланма). – Т.ЎМУ, 2005. – 176 б.
4. Эргашов У. О., Нуриддинов М. А. Роль духовно-просветительской деятельности в повышении политической и правовой грамотности молодежи //Обмен научными знаниями в условиях глобализации. – 2021. – С. 44-48.
5. Эргашов У. О. Янги Ўзбекистон шароитида таълим-тарбия жараёнини умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида шакллантириш механизмлари //ijtimoiy-gumanitar fanlarning zamonaviy yondashuvlari. – 2022. – Т. 1. – С. 93-97.
6. Эргашов У. О. Мактаб ўқувчиларда маънавий тарбияни ривожлантиришнинг долзарб масалалари // Экономика и социум. 2023. №11 (114)-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/maktab-uvchilarda-manaviy-tarbiyani-rivozhlantirishning-dolzarb-masalalari> (дата обращения: 14.03.2025).
7. Эргашов У. О. Процесс воспитания духовно-нравственных ценностей у студентов в учебных заведениях //Достижения науки и образования. – 2018. – №. 18 (40). – С. 73-75.
8. Нуриддинов М. А., Эргашов У. О. Маънавий эҳтиёж ва уни шакллантириш субъектлари // Экономика и социум. 2021. №11-2 (90).

URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/manaviy-ehtiyozh-va-unishakllantirish-subektlari> (дата обращения: 14.03.2025).

9. Эргашов У. О., Нуриддинов М. А. История развития электронного правительства // Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 212-215.
10. Azimjonovich R. I., Obidjonovich E. U. Mahalla institute-the foundation of civil society of Uzbekistan // EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). – 2020. – С. 249-252.
11. Otajonovna, Karimova & Obidjonovich, Ergashev. (2020). Pedagogical foundations of the organization of spiritual and moral education. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). 223-226. 10.36713/epra4480.